2016 ЙИЛ 19 ЯНВАРЬ, СЕШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 13 (13.076)

Баҳоси эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари!

Сиз билан 2015 йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистонга ташрифим чоғида учрашганим менга улкан мамнуният бағишлади. Шахсан Сизга ва Ўзбекистон ҳукумати вакилларига самимий қабул ҳамда самарали мулоқотлар учун ўзимнинг чуқур миннатдорлигимни изҳор этаман.

Сизнинг хусусий секторни Ўзбекистон иқтисодий тараққиётининг устувор йўналишига айлантириш борасидаги стратегик концепциянгизни юксак баҳолайман ва қўллаб-қувватлайман. Ўзбекистон кейинги ўн йиллар давомида эришган улкан ютуқлар ва ўсиш суръатларини сақлаб қолиши ва янада ривожлантириши учун тараққиётнинг янги усулларини топиши зарур деган фикрга тўла қўшиламан. Давлат секторини бошқариш самарадорлиги ва очиқлиги халқаро стандартларга мувофиқ олиб борилаётган Ўзбекистонда замонавий технологиялар билан жиҳозланган, давлат томонидан қўллаб-қувватланаётган хусусий сектор бундай ўсишни таъминлашда асосий омил бўлмоқда.

Сизни ишонтириб айтаманки, Жаҳон банки гуруҳи Ўзбекистон билан ҳамкорликни юксак қадрлайди ва ўзаро шериклигимизнинг навбатдаги концепцияси доирасида мамлакатингиз иқтисодий тараққиёти янада юксалиши йўлида ҳамкорлик қилишга доимо тайёр.

Самимий эҳтиром билан,

Сирил МЮЛЛЕР,
Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича вице-президенти

ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР ВА УЛКАН РАҚАМЛАР

Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси жойларда кенг ўрганилмоқда

Давлатимиз раҳбарининг ҳар бир чиқиши халқимизда, жаҳон жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотади. Бу галги маруза ҳам кенг кўламлилиги, чуқур таҳлилу таққосларга бойлиги билан ажралиб турди.

Мамлакатимиз барча соҳаларда изчил ривожланаётгани, дунё миқёсида ҳам юксак натижаларга эришаётгани, энг асосийси, яқин йилларда қандай даражаларга кўтарилишини билиб, барчамиз қувондик.

Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари ёки энг тез ривожланаётган давлатлар деган мавзуларда ўтказилган халқаро тадқиқотлар натижаларига кўра Ўзбекистон юқори ўринларни эгаллагани қайд этилди. Чуқурроқ ўйлаб қаралса, аввало, мамлакатимизнинг шундай рейтингларда, дунёдаги давлатлар қаторида борлигининг ўзи бир натижа, катта бахт! Ахир, бундан 25-30 йил илгари юртимиз на сонда, на саноқда бор эди. Дунёда Ўзбекистон деган давлатни биладиган одам жуда кам эди.

Мамлакатимиз мустақил бўлмаганида уни биров танирмиди?! Президентимиз раҳбарлигида халқимиз бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилмаганида бундай натижалар қаерда эди?! Бугун Ўзбекистонни дунё нафақат танимоқда, балки ютуқларини тан олмоқда, биздан ўрганмоқда. Ватанимиз жаҳон рейтингларидан жой олмоқда, жой олгандаям энг юқори ўринларни эгалламоқда.

2015 йилда Ўзбекистон дунёнинг энг бахтли мамлакатлари рейтингида 158 давлат орасида 44-ўрин, энг тез ривожланаётган мамлакатлар орасида 5-ўринни эгаллагани барчага маълум. Бу тадқиқотларда қайси жиҳатлар эътиборга олингани, улар бўйича мамлакатимиз қандай натижаларга эришаётганини халқимиз яхши билади. Фақат шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ушбу рейтингда Ўзбекистондан юқори ўринларда ёки бир сафда қайд этилган давлатларнинг мустақил бўлганига 100-200 йилдан ошган. Мамлакатимиз бу даражага тарих олдида кўз очиб юмгунча бўлган вақтда – 20-25 йилда эришмоқда.

Маърузада қайд этилган яна бир факт – 2015 йилда мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришгани учун мукофотланган 14 давлатдан бири сифатида эътироф этилгани ҳам алоҳида эътиборга молик.

Маълумки, собиқ тузум даврида юртимиз фақат пахта етиштиришга ихтисослаштирилган аграр республика эди. Мамлакатимиз ун, гўшт, ёғ, сут, картошка, тухум, шакар каби асосий озиқ-овқат маҳсулотлари, ҳатто, оддий ош тузини ҳам четдан олиб келишга мажбур эди. Ўзбекистон киши бошига тўғри келадиган ялпи ижтимоий маҳсулот бўйича собиқ иттифоқда 12-ўринда, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, асосий турдаги маҳсулотларни истеъмол қилиш жиҳатидан энг охирги ўринларда турарди.

Давлатимиз раҳбарининг чуқур ўйланган, жаҳон тажрибаси ва мамлакатимизнинг ички имкониятларидан келиб чиқиб амалга оширган оқилона иқтисодий сиёсати халқимизни ана шундай инқироздан беталафот олиб ўтди. Қишлоқ хўжалигида янги мулкчилик шакллари, бозор муносабатлари жорий этилди. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, селекция ишларини ривожлантириш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилди. Фермерлик ҳаракатига кенг йўл очилди. Одамларнинг ерга, меҳнатга муносабати ўзгарди.

(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Пойтахтимиздаги Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғида "Таянчим ва суянчим, фахру ифтихоримсан, муқаддас Ватан!" шиори остида Ёшлар сайли ўтказилди. Кўтаринки кайфиятда бўлиб ўтган тадбир Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар, Маданият ва спорт, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, "Камолот" ЁИҲ ва бошқа давлат ҳамда жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилди.

ТАЯНЧИМ ВА СУЯНЧИМ, ФАХРУ ИФТИХОРИМСАН, МУҚАДДАС ВАТАН!

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 24 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари байрамини муносиб нишонлаш, навқирон авлод қалбида ватанпарварлик туйғусини мустаҳкамлаш, халқимизнинг бугунги тинчосойишта ва фаровон ҳаёти қадрига етиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи эканини ёшлар онгига сингдириш мақсадида ўтказилган фестивалда ҳарбийлар, уларнинг оила аъзолари, жамоатчилик вакиллари, касб-ҳунар коллежлари ва академик-лицей ўқувчи-ёшлари қатнашди.

Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Ш.Турдиқулов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшларни Ватанимизга содиқ, юксак маънавиятли, баркамол инсонлар этиб вояга етказиш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бераётганини таъкидлашди.

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 24 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табриги"да таъкидланганидек "...Бугун биз, миллий армиямиз тарихий ва миллий анъаналаримизни сақлаган ҳолда, ҳарбий қурилиш ва ҳарбий санъат соҳасида дунёдаги энг яхши тажрибаларни ўзлаштириб, чегараларимиз хавфсизлигини таъминлашнинг ишончли кафолатига айланди, деб ғурур билан айта оламиз".

Боғга кираверишданоқ ҳарбий оркестр жамоаларининг мусиқа садолари жаранг сочиши қалбларга ўзгача шукуҳ бағишлади. "Баркамол авлод" болалар марказларининг иқтидорли ўқувчиларининг ижод намуналарини кўриб юртимизда қанчадан-қанча истеъдод ва иқтидорли авлод вакиллари тарбияланаётганидан қалбимиз фахр ва ифтихорга тўлди.

— Ёш авлодни миллий ғоя руҳида, садоқатли ва матонатли ўғлонлар этиб тарбиялашда бу каби тадбирларнинг аҳамияти катта, — дейди Тошкент шаҳар "Баркамол авлод" болалар марказ раҳбар ўринбосари Раъно Мадиева. — Боғда ўқувчиларнинг ижод намуналари, халқаро, республика, шаҳарда ўтказилган турли кўрик-танловларда ғолибликни қўлга киритган ўғил-қизларимизнинг Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб чизган расмлари намойиш этилди. Марказ томонидан шаҳар миқёсида Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб танлов ўтказилди.

— Мустақил юртнинг бахтли фарзандларидан бири эканлигимдан фахрланаман, — дейди Шайхонтоҳур туманидаги 115-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Одинабону Абдуваҳобова. — Чунки, биз, ёшларни қўллаб-қувватлаб, барча шарт-шароитлар яратиб берилаётган мамлакатда яшаяпмиз. Юртимиз тинчлиги, осмонимиз мусаффолигини таъминлашда кунни кун, тунни тун демай хизмат қилаётган ҳарбийларимиз соғомон бўлишсин. Сайилда қатнашаётган тенгдошларимизнинг юзидаги ҳаяжонни кўриб, Ватанни кўз қорачиғидек асраш йўлида хизмат қилаётган ҳарбийларга ҳавасимиз янада ортди.

— Мамлакатимизда ҳар йили 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунини миллий байрам сифатида катта тантана билан нишонлаш ўзига хос анъанага айланган, — дейди уй бекаси Турсуной Дўстчанова. — Бу бежиз эмас. Фидойи, мард фарзандлар бор экан, эртанги кунга ишончимиз ҳам юксалиб бораверади. Турмуш ўртоғим ҳарбий соҳада фаолият юритади. Тинч ва осуда ҳаёт кечириб, уч фарзандни вояга етказмоқдамиз. Барча ҳарбийларимизга машаққатли ва шарафли касбларида соғлиқ-саломатлик, оилавий хотиржамлик тилаб қоламан.

(Давоми 3-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

- **Навоий вилоятининг Кармана тумани "Боғишамол" маҳалласида нон цехи иш бошлади. "Навоийдонмаҳсулотлари" акциядорлик жамиятига қарашли цехда 5 турдаги нон маҳсулотлари тайёрлаш йўлга қўйилди. Тажрибали новвойлар "устоз-шогирд" анъанаси асосида ёшларга касб сирларини ўргатаётир.**
- **"Жиззах ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" акциядорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси икки авлод вакилларини жалб этган ҳолда энергетика соҳасига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган бир гуруҳ ходимлар учун саёҳат уюштирди. "Касаба сайр" шўъба корхонаси ва "Ўзбекистон темир йўллари" акционерлик жамияти билан ҳамкорликда айнан саёҳатчилар учун ҳаракатланаётган "Афсона" поездида ёш мутахассислар Урганч ва Хива шаҳарларида бўлишди.**
- **Бухоро вилояти марказидаги "Бухоро миллий либослари" оилавий корхонасида банк томонидан ажратилган 100 миллион сўмлик кредит ҳисобига ўндан зиёд турдаги кийим-кечаклар тайёрлаш йўлга қўйилди. Аҳамиятли томони шундаки, ушбу либослар экологик жиҳатдан тоза ҳисобланмиш ипак ва пахта матоларидан тикиляпти.**
- **Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясида "Таянчим ва суянчим, фахру ифтихоримсан, муқаддас Ватан!" шиори остида "Буюк мамлакатимиз посбонлари" танлови уюштирилди.**
- **Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тизимини кенгайтириш борасида амалга оширилаётган ишларга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.**
- **Жиззахдаги "Сўғдиёна" марказий стадионида Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб ўтказилган оммавий спорт байрамида беш мингга яқин спортчилар ва ҳаваскорлар иштирок этди.**

ЖАҲОНДА

- **Португалияда сайловолди кампанияси ҳал қилувчи паллага кирди. Бу гал давлат раҳбари вазифасига рекорд даражада — ўнта номзод рўйхатга олинди. Биринчи тур президент сайловлари 24 январда бўлиб ўтади ва унда фақат мустақил номзодлар қатнашиши мумкин. Бунда сиёсий партияларга фақат ўз тарафдорларига қайси номзодга овоз беришини тавсия қилиш ҳуқуқи берилган.**
- **Мутахассислар нефть тармоғида янги муаммоларнинг келиб чиқишини тахмин қилмоқдалар. Яъни, жаҳонда нефтнинг кўпайиб кетиши нефть етишмовчилигини юзага келтириб, унинг нархи ошиб кетишини башорат қилишмоқда. Жумладан, Barclays инвестиция банки Brent русумли нефтнинг бир баррели 2020 йилга бориб, 85 долларга етишини, бошқа экспертлар эса янада кескин ўсиш рўй беришини тахмин қилишмоқда.**
- **Кейинги етмиш йил ичида жуда кучли рецессия жараёни кузатилаётгани боис Бразилиянинг айрим шаҳарлари маъмурлари ҳар йили уюштириладиган анъанавий карнавални ўтказмаслик ёки уни ташкил этиш юзасидан сарф-харажатларни кескин камайтиришга қарор қилдилар.**

Танловлар

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ТАДБИРКОР АЁЛИ

Юнусобод тумани маданият ва спорт ишлари бўлимига қарашли марказий маданият уйида туман ҳокимлиги ва хотин-қизлар қўмитаси, "Тадбиркор аёл" Ўзбекистон ишбилармон аёллар уюшмасининг Тошкент шаҳар бўлинмаси, хотин-қизлар қўмитаси, Савдо-саноат палатаси ва бошқа ташкилотлар иштирокида "Йил аёли — 2016" танловининг туман босқичи бўлиб ўтди.

Бугунги кунда юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Айниқса, аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш борасида кўпгина ишлар қилинаётир. Айтиш жоизки, мамлакатимизда турли-туман маҳсулотлар ишлаб чиқариб, ички ва ташқи бозорни бойитишда тадбиркор аёлларнинг ҳам катта ҳиссаси бор.

Тадбирда "Тадбиркор аёл" Ўзбекистон ишбилармон аёллар уюшмаси Тошкент шаҳар бўлинмаси раиси Гулбаҳор Абдужалолова ва бошқалар сўзга чиқиб, Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тараққий эттириш борасида амалга оширилаётган ишлар, аёл тадбиркорларга яратилаётган қулайликлар ҳақида тўхталишиб, кўрик-танлов иштирокчиларига омад тилашди.

Шундан сўнг иштирокчилар танловнинг асосий шартларини бажаришни бошлашди. Биринчи шартга кўра улар ўзлари иш олиб бораётган корхона фаолияти билан йиғилганларни таништиришди. Иккинчи шартда тадбиркорларнинг бизнесда иш юритиш борасидаги ҳуқуқий билимлари синовдан ўтказилди.

Албатта, аёл уйда оила бекаси, севимли ёр, меҳрибон она, қўли ширин пазанда. Шу боис иштирокчилар пазандалик бўйича ҳам маҳоратларини намойиш этишди. Сўнгги шарт эркин мавзуда бўлиб, қатнашчиларнинг бадиий адабиётга, санъат ва маданиятга бўлган қизиқишлари баҳоланди. Иштирокчи аёллар нафақат тадбиркор, балки санъат, маданият ва маърифат йўналишлари бўйича ҳам ўзига хос истеъдод соҳибалари эканликларини саҳнада намоён қилдилар.

Кўрик-танлов қатнашчилари томонидан ташкил этилган тайёр маҳсулотлар кўргазмаси барчада катта таассурот қолдирди, улар ҳайъат аъзолари томонидан муносиб баҳоланди.

— Туманимизда аёллар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, уларга ҳар томонлама кўмаклашиш, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий билимларини оширишга муҳим эътибор қаратилади, — дейди "Тадбиркор аёл" Ўзбекистон ишбилармон аёллар уюшмаси Тошкент шаҳар бўлинмаси Юнусобод тумани координатори Н.Исроилова, — Ушбу танловга тумандаги энг самарали фаолият кўрсатаётган тадбиркорларни жалб этиб, уларнинг тажрибаларини оммалаштиришга ҳаракат қилдик.

Шундай қилиб, кўрсатилган натижаларга кўра, "Йил аёли — 2016" танловининг Юнусобод тумани босқичида иштирокчилар орасида энг кўп балл йиққан "Jasmin fito Pharma" корхонаси раҳбари Райҳона Нормаматова биринчи ўринга, "Yulduz o`quv" нодавлат таълим муассасаси раҳбари Юлдуз Бойназарова иккинчи, "Marziya textil" корхонаси раҳбари Ирода Раҳимова учинчи ўринга лойиқ деб топилди. Ғолибларга туман ҳокимининг ташаккурномаси, сертификат, диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

З. ШАРИФЖОНОВ

СУРАТДА: танловдан лавҳа

ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР ВА УЛКАН РАҚАМЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Натижада мамлакатимиз қисқа вақтда ғалла мустақиллигига эришди. Тупроқ унумдорлиги оширилгани, ерга ишлов беришнинг илғор усуллари жорий этилгани, фермер хўжаликлари замонавий техника билан таъминлангани самарасида ғалла етиштириш йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

Бугун юртимиз бозорларига, супермаркетларга кирган кишининг кўзи қувнайди. Пештахталар сархил маҳсулотлар билан тўла. Мамлакатимиз ун, мева-сабзавот, узум, картошка, полиз маҳсулотлари билан ички эҳтиёжларини тўлиқ таъминламоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш саноати ривожлангани ҳисобидан истеъмол товарлари ассортименти кенгайиб бормоқда. Одамлар хоҳлаганини танлаб харид қилаётир.

Яна бир нарсани айтиш керакки, дунёнинг кўплаб давлатлари бугун ҳам мева-сабзавот, озиқ-овқат маҳсулотларининг катта қисмини четдан сотиб олади. Бу уларнинг нархига сезиларли таъсир кўрсатади. Айниқса, сўнгги йилларда жаҳонда кузатилаётган экологик муаммолар, иқтисодий инқироз оқибатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми камайиб, нархи янада ошиб бормоқда. Мамлакатимизда уларнинг нархи ҳамиша арзон ва барқарор. Юртимизнинг қаерига борманг, ҳамма жойда мўл-кўлчилик.

Президентимиз маърузасида келтирилган ҳар бир факт ва рақам замирида чуқур маъно, улкан меҳнат самараси мужассам. Аммо гап рақамларда эмас, уларга асос бўлаётган ислоҳотларда. Ўтган йилларда мамлакатимизда шундай тизим, фундамент яратилдики, унга таяниб, режа ва вазифаларни ўз вақтида амалга оширсак – улкан натижалар, эътирофлар ортимиздан қувиб юради.

Маърузада белгилаб берилган 2016 йил ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга назар ташласак, мамлакатимиз бундан буён янада гуллаб-яшнашига ишонч ҳосил қиламиз. Хусусан, 2030 йилга бориб мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажмини камида 2 баробар ошириш вазифаси қўйилгани халқимиз, айниқса, ёшларимиз кўнглини тоғдек кўтарди. Ҳисоб-китобларга кўра, бунга эришиш учун ҳар йили ўртача йиллик ўсиш суръатлари 4,8 фоиз даражасида бўлиши зарур экан. Кейинги 11 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти ўсиши 8 фоиздан юқори бўлиб келаётганига қарасак, бу маррага эришишга ҳеч қандай шубҳа қолмайди.

Президентимиз узоқни кўзлаб, эртанги авлодлар ҳаётини ҳам ўйлаб белгилаб берган ушбу эзгу режа ва мақсадларнинг амалга оширилиши мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий тараққиётига, халқимиз турмуш даражасининг янада юксалишига хизмат қилади. Эртамиз бугундан ҳам аъло, фарзандларимиз биздан ҳам бахтли бўлади.

Анвар САМАДОВ,
ЎзА шарҳловчиси

Президентимиз раҳнамолигида тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, халқимизнинг соғлом ва узоқ умр кечиришини таъминлашда муҳим омил бўлаётир.

Янги қонун кучга кирди

ФАРМАЦЕВТИКА СОҲАСИ РИВОЖЛАНМОҚДА

2016 йил 5 январда кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги қонуни соҳадаги ислоҳотларни янги босқичга кўтаришда алоҳида аҳамият касб этади.

ЎзА мухбири Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари Мавлуда ХЎЖАЕВА билан ушбу қонуннинг мазмунмоҳияти ва аҳамияти хусусида суҳбатлашди.

– Мамлакатимизда юздан зиёд фармацевтика корхонаси фаолият юритмоқда. Ўттизга яқин корхонада халқаро сифатни бошқариш тизими жорий этилган. Соҳага йўналтирилаётган чет эл инвестициялари ҳажми йилдан-йилга ортиб, халқимизни сифатли дори билан таъминлаш, фармацевтика саноатини янада ривожлантириш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимиз фармацевтика саноати ички бозорнинг учдан бир қисмини маҳаллий дори воситалари билан таъминламоқда. Фармацевтика корхоналари томонидан 90 фармакотерапевтик гуруҳларга мансуб 1700 дан зиёд дори воситаси ишлаб чиқарилмоқда.

Фармацевтика саноати изчил тараққий этаётгани, дори воситалари муомаласи, улардан тиббиётда фойдаланиш жараёнларида кўплаб янгиликлар юзага келаётгани соҳадаги қонунчиликни такомиллаштиришни тақозо этди. Шу мақсадда депутатлар ҳамда экспертлар, олимлар ва мутахассислардан тузилган қонун ижодкорлари томонидан ривожланган мамлакатларнинг ушбу йўналишдаги қонунчилиги пухта ўрганилди. Мамлакатимизда ушбу йўналишда орттирилган илғор тажрибалар атрофлича таҳлил этилди ва шу асосда қабул қилинган янги таҳрирдаги қонунда кўплаб янги меъёрлар жорий этилди.

Қонунда асосий тушунчалар умумэътироф этилган меъёрлардан келиб чиқиб такомиллаштирилди ва замонавий тиббиётда ишлатилаётган янги тушунчалар билан бойитилди. "Ножўя реакция" деган тушунча бунга мисол. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, дунёда дори воситаларининг ножўя реакциялари оқибатида содир бўлган ўлим ўлим ҳолатлари орасида 4-ўринни эгаллайди. Шу боис бундай муаммога қарши курашишнинг мақбул йўлларини топиш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлигига ўз вақтида маълумот етказиш тизими йўлга қўйилган.

Ушбу фаолиятнинг қонуний асосларини яратиш мақсадида қонунчиликка "ножўя реакция" тушунчаси киритилиб, Соғлиқни сақлаш вазирлигига дори воситаларининг ножўя таъсирини аниқлаш, баҳолаш ва олдини олиш билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш вазифаси юкланди. Бу соғлиқни сақлаш тизимида, соҳага алоқадор барча юридик шахслар билан қонуний иш олиб бориш, ножўя реакцияларни ўз вақтида аниқлаш ва инсон саломатлигини сақлаш йўлида тегишли қарорлар қабул қилиш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Қонунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг дори воситалари ва тиббий буюмлар муомаласи соҳасидаги ваколатлари ҳам аниқ ва батафсил ёритиб берилди. Хусусан, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг дори воситалари, тиббий буюмлар муомаласи, ушбу фаолиятни техник жиҳатдан тартибга солиш, дори воситалари, тиббий буюмлар хавфсизлигига тааллуқли меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш каби бир қатор долзарб вазифаларга доир ваколатлари кенгайтирилди. Дори воситаларининг сифати ва хавфсизлиги, фармацевтика фаолияти устидан давлат назоратини амалга ошириши белгиланди. Бундан мақсад инсон саломатлигини муҳофазалашга оид чора-тадбирларни тизимли равишда ташкил этиш, дори воситаларининг хавфсизлиги ва самарадорлигини таъминлаш, қалбакилаштирилган дори воситалари тарқалишининг олдини олишдир.

– Янги қонунда дори-дармон ишлаб чиқариш саноати ва таъминоти соҳасини ривожлантиришга хизмат қиладиган қандай янгиликлар жорий этилган?

– Юртимизда дорихоналар тармоғи ҳам ривожланмоқда. Дорихоналарнинг аксарияти хусусий тармоқ улушига тўғри келаётгани бу соҳада тадбиркорлик жадал ривожланаётганидан далолат. Бугунги кунда замонавий андозалар даражасида барпо этилган дорихоналар халқимизга самарали хизмат кўрсатмоқда. Ушбу масканларнинг инсон саломатлигини асраш даги аҳамияти эътиборга олиниб, қонунга "Дорихона" деб номланган модда киритилди. Ушбу моддада дорихонанинг ваколатлари, уни бошқариш, фаолиятига қўйилган шартлар ва уларни назорат қилиш билан боғлиқ меъёрлар ўз ифодасини топди.

Маълумки, қонунчилигимизда дорихонанинг ташкилий тузилмаси "муассаса" тушунчасига тўғри келарди. Муассаса деганда даволаш-профилактика муассасаларининг бюджет ҳисобидан фаолият кўрсатувчи дорихоналари тушуниларди. Бинобарин, мазкур ҳолат хусусий тадбиркорлик йўлида тўсиқ бўлиб турган эди.

Шуни ҳисобга олган ҳолда, дорихона дори воситалари ва тиббий буюмларни реализация қилиш, уларни тайёрлашни амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган юридик шахс ва унинг бўлинмаси шаклида ташкил этилиши мумкинлиги белгилаб қўйилди.

Эндиликда озиқ-овқатларга қўшиладиган биологик фаол моддалар, санитария-гигиена предметлари, шифобахш озиқ-овқатлар, маъданли сув ва даволаш-косметика маҳсулотлари дори воситалари қаторига киритилмайди. Бу меъёр ушбу маҳсулотларнинг дорихоналар билан бир қаторда савдо мажмуаларида ҳам сотилишига замин яратади.

– Янги қонунга мувофиқ, дорихоналарни қандай мутахассислар бошқариши мумкин?

– Шу кунгача дорихоналарни фақат олий маълумотли фармацевт бошқаришига рухсат берилар эди. Мамлакатимизда ўрта махсус таълим тизимининг ривожланиши бу борадаги қонунчиликни такомиллаштириш заруратини юзага келтирди. Чунки айни пайтда тиббиёт коллежларида соғлиқни сақлашнинг турли йўналиши билан бир қаторда фармацевтика соҳаси учун ҳам малакали мутахассислар тайёрланмоқда. Жаҳон андозалари даражасида таълим олган, замонавий тиббиёт ютуқларини пухта эгаллаган бундай мутахассисларнинг соҳа ривожида ўз ўрнига эга эканини ҳаёт кўрсатмоқда. Ушбу ёшларнинг салоҳиятидан самарали фойдаланиш соҳа тараққиётини белгиловчи муҳим мезондир. Шу жиҳатлар инобатга олиниб, янги қонун дорихона филиалларида олий маълумотли мутахассислар билан бирга, ўрта махсус маълумотли фармацевт ассистентлар ҳам мудирлик қилиши мумкин, деган меъёр билан тўлдирилди.

Қонунга фармакологик ёки дори воситаларини ишлаб чиқариш, ушбу воситаларни клиник тадқиқотлардан ўтказиш бўйича алоҳида моддалар киритилди. Дори воситалари ва тиббий буюмларни сақлаш, ташиш ва йўқ қилиш, ушбу маҳсулотларни юртимизга олиб кириш ва олиб чиқиш тартиби билан боғлиқ янгиликлар жорий этилди. Бундан мақсад дори воситаларининг хавфсизлигини таъминлаш, сифати ва самарадорлигини ошириш, инсон саломатлигини муҳофаза қилиш ва фармацевтика саноатида ишлаб чиқаришни ривожлантиришдир.

Мухтасар айтганда, янги таҳрирдаги қонун мамлакатимизда аҳоли саломатлигини сақлаш борасида амалга оширилаётган эзгу ишларни янги босқичга олиб чиқиш йўлида яна бир муҳим қадам бўлди.

Баҳор ХИДИРОВА
суҳбатлашди.

Мирзо Улуғбек тумани ҳокимининг ҚАРОРИ

МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИНИНГ 2016 ЙИЛГИ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТИ ПАРАМЕТРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексининг ("Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2013 й., 52 (I)-сон) 28, 99-моддалари, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда;) 25-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2015 йил 3 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида"ги СҚ-61-III-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-2455-сонли қарори ("Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2015 й., 52-сон, 646-модда), халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2015 йил 25 декабрдаги "Тошкент шаҳрининг 2016 йилги маҳаллий бюджет даромадлари ва харажатлари ҳажмлари тўғрисида"ги 75/9-5-сонли қарори ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг 2015 йил 30 декабрдаги 1156-сонли қарорини ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда Тошкент шаҳар Молия бош бошқармасининг 2015 йил 31 декабрдаги 01-3/1904-сонли хатини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тошкент шаҳар ҳокимининг 2015 йил 30 декабрдаги "Тошкент шаҳрининг 2016 йилги маҳаллий бюджети параметрлари тўғрисида"ги 1156-сонли қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Мирзо Улуғбек туманининг 2016 йилги маҳаллий бюджети асосий параметрлари 1-иловага мувофиқ;

умумдавлат солиқларидан туман маҳаллий бюджетига ажратмалар меъёрлари 2-иловага мувофиқ;

туман маҳаллий бюджетининг 2016 йил учун нақд пул касса айланмасининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Мирзо Улуғбек тумани маҳаллий бюджетининг 2016 йил учун аниқлаштирилган асосий параметрлари қуйидаги миқдорларда тасдиқлансин:

даромадлар – 115 804 154,0 минг сўм;

харажатлар – 115 804 154,0 минг сўм.

4. Туман ҳокимлигининг ташкилий-назорат гуруҳи (Қ.Икромов) ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг "Компьютерлаштириш маркази" ДУКнинг Мирзо Улуғбек туман тармоқ администратори (М.Алимов):

Мазкур қарор "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида эълон қилинсин ва www.mirzoulugbek.toshkent.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

5. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Д.Атаев зиммасига юклансин.

Мирзо Улуғбек тумани ҳокими
Ш.Ахмедов

2016 йил 6 январь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

Яшнобод тумани ҳокимининг ҚАРОРИ

ЯШНОБОД ТУМАНИНИНГ 2016 ЙИЛГИ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТИ ПАРАМЕТРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексининг ("Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2013 й., 52 (I)-сон) 28, 99-моддалари, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) 25-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2015 йил 3 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида"ги СҚ-61-III-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-2455-сон қарори ("Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2015 й., 52-сон, 646-модда), халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2015 йил 25 декабрдаги "Тошкент шаҳрининг 2016 йилги маҳаллий бюджет даромадлари ва харажатлари ҳажмлари тўғрисида"ги 75/9-5-сонли қарори ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг 2015 йил 30 декабрдаги "Тошкент шаҳрининг 2016 йилги маҳаллий бюджети параметрлари тўғрисида"ги 1156-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда Тошкент шаҳар Молия бош бошқармасининг 2015 йил 31 декабрдаги 01-3/1904-сонли хатини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тошкент шаҳар ҳокимининг 2015 йил 30 декабрдаги "Тошкент шаҳрининг 2016 йилги маҳаллий бюджети параметрлари тўғрисида"ги 1156-сон қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Яшнобод туманининг 2016 йилги маҳаллий бюджети асосий параметрлари 1-иловага мувофиқ;

умумдавлат солиқларидан туман маҳаллий бюджетига ажратмалар меъёрлари 2-иловага мувофиқ;

туман маҳаллий бюджетининг 2016 йил учун нақд пул касса айланмасининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Яшнобод туман маҳаллий бюджетининг 2016 йил учун аниқлаштирилган асосий параметрлари қуйидаги миқдорларда тасдиқлансин:

даромадлар – 102 476 518,0 минг сўм;

харажатлар – 102 476 518,0 минг сўм.

4. Туман ҳокимлигининг ташкилий назорат гуруҳи (Х.Хакимов) ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг "Компьютерлаштириш маркази" ДУКнинг Яшнобод туман тармоқ администратори (У.Ташбаев):

Мазкур қарор "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.yashnobod.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

5. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш.Аскаров ва туман ҳокимининг ўринбосари В.Валиев зиммаларига юклансин.

Яшнобод тумани ҳокими
Ф.Хакимов

2016 йил 7 январь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

ТАЯНЧИМ ВА СУЯНЧИМ, ФАХРУ ИФТИХОРИМСАН, МУҚАДДАС ВАТАН!

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тадбирда иштирок этаётган ёшларни суҳбатга чорладик.

— Келажакда ҳарбий бўлмоқчиман, — дейди Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги "ЖАР" спорт мажмуаси ҳузуридаги ҳарбийлаштирилган махсус мактаб интернати курсанти Азизжон Маҳамаджонов. — Кўп йиллар давомида ҳарбий соҳада хизмат қилган бобомга ҳавас қилиб, мазкур ҳарбий мактабда билим ва кўникмаларимни оширмоқдаман. Келажакда Ватанимизни ҳимоя қилиш, унинг хавфсизлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшишга аҳд қилганман.

— Киндик қонимиз тўкилган жой Ватан ҳисобланади, — дейди Тошкент ҳарбий-телекоммуникация йўналишидаги академик лицейнинг 1-босқич ўқувчиси Нодирбек Норқулов. — Она Ватанимизни кўз қорачиғидек асраш шу юрт фарзанди бўлган ҳар бир ўғлоннинг бурчидир. "ЖАР" спорт мажмуаси ҳузуридаги ҳарбийлаштирилган махсус мактаб интернатини тамомлаб, 2015 йилда мазкур академик лицейга ўқишга кирдим. Келажакда Ватан ҳимоячиси бўлиб, халқимиз тинчлиги ва осойишталиги йўлида хизмат қиламан.

— Фахр билан айтишимиз мумкинки, мамлакатимизда аждодлар жасоратига содиқ қолиб, ўз билим ва маҳорати, куч-қувватини Ватан ҳимоясига, халқимиз осойишталиги йўлида сафарбар этиб келаётган, керак бўлса Ватан учун жонини ҳам аямайдиган ёшларимиз кўп, — дейди Мирзо Улуғбек транспорт коллежи ўқитувчиси Аброр Умрзоқов. — Бу каби тадбирлар ёшларимизни эртанги кунга бўлган ишончини шакллантириб, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга замин ҳозирлайди.

— Тадбир давомида ҳарбийларимизнинг чиқишлари, хатти-ҳаракатлари, жисмонан чиниққанлари менда катта таассурот қолдирди, — дейди Тошкент туризм касб-ҳунар коллежининг 2-босқич ўқувчиси Абдуллоҳ Қорабоев. — Эпчил, чаққон ҳарбийларимизга боқиб, Ватан олдидаги бурчни муқаддас эканлигини яна бир бора тушундим.

— Истиқлол — улуғ неъмат, — дейди меҳнат фахрийси Садриддин Раҳмонов. — Фарзандларимга бугунги фаровон кунларни, мустақилликни қадрлаш, она Ватаннинг тинчлигини асраш, унинг ривожи ва барқарорлиги йўлида камарбаста бўлишни уқтириб келганман. Бугун ўғлим ва набирамга ҳарбий соҳада, бундан бахтиёрман.

— Мактабимизда "Таянчим ва суянчим, фахру ифтихоримсан, муқаддас Ватан!" шиори остида ўтказилган ҳарбий-ватанпарварлик тадбирлари ёшларнинг эл-юртимиз тинчлиги ва осмонимиз мусаффолигини таъминлашга бўлган қизиқиш ва интилишини кучайтиришга хизмат қилади, — дейди Олмазор туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Гулбаҳор Абдуматова. — Ҳарбийлар, Қуролли Кучлар фахрийлари, таниқли адиблар ва санъаткорлар иштирокида "Мардлик ва жасорат дарслари" ўтказилиши ёшларга мустақиллик туфайли яратилаётган кенг имкониятлардан самарали фойдаланиш, Ватаннинг ягоналиги, уни асраб-авайлаш шарафли бурч эканини англатишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бир нарсани алоҳида таъкидламоқчи эдим, дунёда нима кўп – касб-ҳунар кўп, лекин улар орасида энг шарафлиси Ватан ҳимоячиси бўлишдир.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги маданият саройи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлар марказий ашула ва рақс ансамбли, ҳарбий оркестр жамоалари ва хонандалари, санъат усталари, турли кўрик-танловлар ғолиб ва совриндорлари иштирокида катта байрам концерти намойиш этилди. Фестиваль доирасида ҳарбийларнинг кўргазмали чиқишлари йиғилганларга ҳавола этилиб, она Ватан, тинчлик, истиқлол ва ёшликни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар янгради.

Шоира МУҲАМЕДОВА,
Зиёда РАСУЛОВА
Ислом Исмоилов олган суратлар

ТАШАББУСКОРЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги "Маънавият ва маърифат" марказида "Таянчим ва суянчим, фахру ифтихоримсан, муқаддас Ватан!" шиори остида тадбир бўлиб ўтди.

Унда Тошкент давлат техника университетининг ҳарбий кафедраси талаба-ёшлари, курсантлар, офицерлар, "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси ҳудудида соғлом муҳитни барқарор таъминлашда кўмагини аямайдиган, ушбу билим даргоҳининг кўнгилли талаба-ёшларидан тузилган "Огоҳ посбонлар" гуруҳи аъзолари иштирок этди.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгашининг ташаббуси билан ташкил этилган тадбирни Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетининг ҳарбий кафедраси талабалари томонидан тайёрланган чиқишлар очиб берди. Тадбирдан спорт мусобақалари, маданий кеча, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг ижодидан намуналар жой олди.

— Ватан азиз... Унинг ҳар қарич тупроғи муқаддас, — дейди "Камолот" ЁИҲ "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши мутахассиси З.Саъдуллаев. — Унинг ҳар бир қаричини асраб-авайлаш мана шу масканда туғилган инсон учун масъулиятли бурчдир. Тадбир "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги, Тошкент давлат техника университетининг ҳарбий кафедараси, "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси Ички ишлар бошқармаси билан ҳамкорликда ўтказилди.

Учрашув давомида талабалар тош кўтариш ҳамда армреслинг спорт турлари орқали куч синашди. Хушовоз хонандаларнинг Ватан туйғусининг қалбларда мавж уришига сабаб бўлувчи дилтортар куй-қўшиқлари ёшларни она Ватанга бўлган муҳаббатини юксалтирди. Ўзининг ташаббускорлиги, фаоллиги ва иқтидорини намоён қилган, шаҳарча ҳудудида тинчлик ва осойишталикни барқарор таъминлашда жонкуярлик кўрсатган бир гуруҳ талаба-ёшлар "Камолот" ЁИҲ "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси Кенгаши ҳамда ҳамкор ташкилотларнинг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

* * *

Республика телевидение ва радио касб-ҳунар коллежида "Ватанга хизмат қилиш олий саодатдир!" деб номланган тадбир ўтказилди.

Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти "Бектемир ЎСТК" унитар корхонаси томонидан ташкил этилган тадбирда Бектемир туман ҳокимлиги мутасадди ходимлари, Тошкент автомобиль йўллари институти ҳарбий кафедра ўқитувчилари, туманда истиқомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, туман "Нуроний" жамғармаси вакиллари ҳамда коллеж ўқувчилари қатнашди.

— "Таянчим ва суянчим, фахру ифтихоримсан, муқаддас Ватан!" шиори остида ўтган тадбирлар ўқувчиларда бурчга садоқат, ҳушёрлик ва огоҳлик туйғуларини мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилди, — дейди "Ватанпарвар" ташкилоти "Бектемир ЎСТК" унитар корхонасининг Маънавият, ташкилий оммавий ишлар ва ҳарбий-ватанпарварлик тарғиботи бўйича бошлиқ ўринбосари Фарруҳ Турсунқулов. — "Ватанпарвар" ташкилоти ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни турли оқимлар таъсирига тушиб қолмасликлари, спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантиришда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Тадбирда туман "Нуроний" жамғармаси вакили ҳамда Иккинчи жаҳон уруши фахрийси иштирокчиларга ўқувчи-ёшларга суронли йилларда кўрган қийинчиликлари, ўша даврдаги халқнинг бошидан кечирганлари ҳамда бугунги кунда мамлакатимизда яратилган шарт-шароитлар, мустақиллик туфайли эришилган ютуқлар ҳақида гапириб ўтишди.

Ўқувчилар томонидан айтилган Ватан, мустақиллик, тинчлик, мардликни мадҳ этувчи шеърлар ўқилди, санъаткорларнинг куй-қўшиқлари барчага манзур бўлди.

Зарина РУСТАМОВА

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

ИСТИҚБОЛДАГИ РЕЖАЛАРГА БАҒИШЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш истиқболларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Унда қўмита ҳузурида фаолият олиб бораётган экспертлар, мутахассислар, олимлар, тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда фуқаролик жамияти институти вакиллари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов, Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати раҳбари Ҳ.Тўлаганов ва бошқалар Президентимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган нодавлат нотижорат ташкилотларини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларини янада қўллаб-қувватлаш борасидаги вазифалар ижросини таъминлашга қўмита ҳам ўз ҳиссасини қўшаётгани, шунингдек, ушбу йўналишдаги қонунларнинг қабул қилинишида фаол иштирок этиб келинаётганини таъкидлаб ўтдилар. Ўтган вақт давомида асосий эътибор давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 23 январдаги парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган устувор йўналишлар, хусусан, қонун лойиҳаларини давлат бошқаруви, фуқаролик жамияти институтларининг турли бўғинларида кенг ва амалий муҳокама қилишни таъминлаш, уларни ҳар жиҳатдан пухта тайёрлаш ишларини сифат жиҳатидан янада юқори босқичга кўтариш, бунда ҳорижий ҳуқуқий амалиёт билан ҳар томонлама чуқур қиёсий таҳлил қилиш масалаларига қаратилди.

Хусусан, таъкидлаб ўтилдики, мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш, нодавлат нотижорат ташкилотларини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилгани боис, ҳозирги кунда улар фуқароларнинг ҳуқуқ-эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланди. Мазкур йўналишда қабул қилинган "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги янги таҳрирдаги қонун, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги, "Экологик назорат тўғрисида"ги, "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги ва бошқа бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар бу борадаги ишлар кўламини кенгайтирмоқда.

Анжуманда ўтган даврда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга доир қонунчилик механизмини янада такомиллаштириш, ишлаб чиқилаётган қонунларнинг халқаро амалиёт ва андозаларга мос бўлишини таъминлаш, улардаги зиддиятларни аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида соҳага оид қонунлар таҳлил қилинганлиги ва инвентаризациядан ўтказилганлиги, бунинг натижасида соҳага дахлдор бўлган кўп қонунларни бугунги кун эҳтиёжидан келиб чиқиб такомиллаштирилиши лозим бўлган нормалар аниқланганлиги айтиб ўтилди.

Ўтган 2015 йилда қўмита томонидан фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаш, парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтиришга оид кўплаб тадбирлар ўтказилди. Фуқаролик жамияти институтлари соҳасидаги қонунчилик асослари, унинг ривожланиш истиқболлари, тизимга оид манзилли дастурларнинг ижроси бўйича ташкил қилинган тадбирларда соҳага оид қонун ижодкорлиги жараёни изчиллиги ва самарадорлигини таъминлаш, тайёрланган қонун лойиҳаларининг сифатини ошириш, шунингдек, қабул қилинган қонунларни ҳаётга татбиқ этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Қизғин баҳс-мунозара руҳида ўтган матбуот анжуманида қўмитанинг истиқболдаги режалари ҳақида маълумот берилди ва журналистларни қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб қайтарилди.

Шаҳризода МУҲСИМОВА

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида "Нофилологик таълим дастурлари ва ўқитувчилар учун инглиз тилини ўқитиш услубиятининг илғор тажрибалари" мавзуида илмий семинар бўлиб ўтди.

ЧЕТ ТИЛЛАРИНИ ЎҚИТИШ ТАЖРИБАСИ ЎРГАНИЛДИ

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, "Эразмус плюс" халқаро таълим дастурининг мамлакатимиздаги миллий офиси ва Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги Чет тилларни ўқитишнинг инновациявий методикаларини ривожлантириш Республика илмий-амалий маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректори Ш.Қаюмов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида таълим тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар замон талабларига мос, мустақил ва соғлом тафаккурли, ҳорижий тилларда эркин сўзлаша оладиган ёшларни камол топтиришдек эзгу мақсадларга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорлари бу борадаги ишларни янада такомиллаштиришда муҳим омил бўлаётир.

Мамлакатимизда таълим йўналишида фаол халқаро ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ёшларимиз ҳорижий мамлакатларда билимини мустаҳкамлаш, ўқитувчилар малакасини ошириш, ўзаро тажриба алмашиш имконига эга бўлмоқда.

Ўзбекистон ва Европа олий ўқув юртлари "Темпус" ҳамда "Эразмус Мундус" халқаро таълим дастурлари доирасида самарали ҳамкорлик қилиб келаётир. 2014-2020 йилларга мўлжалланган "Эразмус плюс" дастури доирасида ҳам олий ўқув юртлари ўртасида истиқболли лойиҳалар амалга оширилаётир. "Эразмус плюс" Европа Иттифоқининг таълим, касб-ҳунар таълими ва спорт соҳасидаги дастури бўлиб, у турли мамлакатлар талабаларига Европа олий таълим муассасаларида таълим олиш, университетлар ўқитувчиларига ўз малакасини оширишга кўмаклашади.

Семинарда Европа университетларидаги нофилологик йўналишларда инглиз тилини ўқитишнинг илғор педагогик тажрибалари хусусида сўз юритилди.

Муайян мутахассислик бўйича ҳорижий амалиётни чуқур ўрганиш учун чет тилларини яхши билиш талаб этилади. Мамлакатимиз олий ўқув юртларида кўплаб фанлар, хусусан, техникавий ва иқтисодий йўналишлар бўйича чет тилларда таълим берилмоқда, бу жараён янада кенгаймоқда.

Анжуманда университетларда турли фанлар бўйича таълимни ҳорижий, жумладан, инглиз тилида олиб бориш борасида халқаро тажрибани ўрганишда мамлакатимиз ва чет эллик мутахассислар ўртасида ўзаро ахборот алмашувини фаоллаштириш муҳим аҳамиятга эга экани қайд этилди.

Испаниянинг Барселона университети "Инглиз ва немис тиллари филологияси" кафедраси профессори Наталиа Жудит Ласо Мартин томонидан маҳорат дарси ўтказилди.

– Ўзбекистон ва Европа таълим муассасалари ўртасида фаол ва самарали ҳамкорлик йўлга қўйилгани диққатга сазовор, – деди Наталиа Жудит Ласо Мартин. – Мулоқот давомида ўзбекистонлик ўқитувчиларнинг касб малакаси юқорилиги ва хорижий тилларни пухта билишига гувоҳ бўлдим. Семинар ҳамкасбларим билан ўзаро тажриба ва фикр-мулоҳаза алмашиш имконини берганидан мамнунман.

Анжуманда чет тилларини турли соҳаларга йўналтирган ҳолда ўқитиш имкониятлари, нолингвистик ва лингвистик таълим услублари, нофилологик таълим дастурлари бўйича ўқитувчиларнинг вазифалари, уларнинг малакасини ошириш каби масалалар муҳокама қилинди.

Ирода УМАРОВА,
ЎзА мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси биржа савдоларига таклиф этади!
2016 йил 22 февралда "Тошкент" РФБнинг биржа савдоларига чиқариладиган акция пакети рўйхати

№	Эмитент номи	Устав фондидаги улуш %	Савдога чиқарилаётган акциялар сони, дона	1 дона акциянинг номинал қиймати, сўм	1 дона акциянинг таклиф этилаётган бошланғич нархи (АҚШ доллари)	Акциялар пакетининг бошланғич нархи (АҚШ доллари)
I	"Xalqaro hamkorlik markazi" АЖ	29,9	12 794 802	1 190	2,53	32 424 000,00

Қўшимча маълумотлар учун "MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI" АЖга мурожаат қилишингиз мумкин.
Манзил: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефонлар: 236-71-71, 236-77-92. E-mail: info@ndvakt.uz, www.gkk.uz

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16а-уй. Телефонлар: 233-35-08, 233-22-83. E-mail: ugki@rambler.ru, www.gkktashkent.uz.

Спорт янгиликлари

КЛУБЛАР ТАРКИБИ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати ҳамда Осиё чемпионлар лигасига тайёргарлик кўраётган пойтахт жамоалари таркибларини яна кучайтириш ҳамда футболчилар ўртасида соғлом рақобатни ташкил қилиш мақсадида бир қатор ўзгаришларни амалга оширишмоқда.

Хусусан, сўнгги икки мавсумни Тошкентнинг "Бунёдкор" жамоасида ўтказган босниялик ярим ҳимоячи Самир Бекрич энди фаолиятини ўз юртида давом эттиради. "Бунёдкор" билан шартномаси ниҳоясига етгач, эркин агентга айланган 31 ёшли ярим ҳимоячи "Железничар" билан 3 йилга мўлжалланган шартнома имзолади. Ўз ўрнида "Қалдирғочлар" таркиби тажрибали Баҳодир Насимов билан тўлдирилди. Биласиз, Баҳодир ўтган мавсумни Эрон чемпионатида ўтказган эди.

Шунингдек, айни дамда "Бунёдкор" таркибида легионерлардан Шакер Зуаги ҳамда Сато Минорилар қолишган. Сербиялик таянч ярим ҳимоячи Александр Алемпиевич ҳам "Бунёдкор"да кўрикдан ўтмоқда.

Тошкентнинг "Локомотив" жамоаси ҳам таркибни оптимал кўринишга олиб келиш ҳаракатида. Ортда қолган мавсумни Малайзиянинг "Т-Тим" клубида ўтказган Садриддин Абдуллаев яна "Темирйўлчилар" таркибига келиб қўшилган ҳамда Дубай шаҳридаги йиғинда иштирок этмоқда. Узоқ йиллар давомида "Пахтакор" шарафини ҳимоя қилган Каха Махарадзе ҳамда ўтган йили "Машъал"да тўп сурган ҳимоячи Шерзод Файзиевлар Мирко Йеличич шогирдлари қаторидан ўрин олди. Бу футболчилар клубни тарк этган Иброҳим Раҳимов ва Дилшод Раҳматуллаевлар ўрнини эгаллаши кутилмоқда.

ҲАКАМЛАРИМИЗГА ИШОНЧ БИЛДИРИЛМОҚДА

Бутунжаҳон кураш бирлашмаси бу йилги олимпиада ўйинларининг спорт курашлари бўйича ўтказиладиган баҳсларида ҳакамлик қилувчилар рўйхатини эълон қилди.

Қувонарлиси, бу рўйхатдан ҳамюртларимизнинг ҳам исм-шарифлари жой олди. Бир қанча муҳим беллашувларни бошқарган тажрибали юртдошимиз Тоҳир Ғуломов Бразилия гиламларида полвонларнинг курашига ҳакамлик қилиш учун номзод сифатида танланди. Шунингдек, яна бир вакилимиз — Константин Михайлов Рио-де-Жанейро олимпиадасида инструктор бўлиб ишлаши кутилмоқда. Олимпиадага йўл оладиган ҳакамларнинг якуний рўйхати апрель-май ойларида маълум бўлади.

Эслатиб ўтамиз, юнон-рум ҳамда эркин кураш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Рустам Ассакалов ва Ихтиёр Наврўзов Америка Қўшма Штатларининг Лас-Вегас шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида қумуш медаль билан бирга ҳар тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақасида қатнашиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритишган.

Ботир ХЎЖАЕВ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳарбий кафедраси ва спорт мажмуасида талабалар жамоалари ўртасида "Шунқорлар" ҳарбий-спорт мусобақаси бўлиб ўтди.

"ШУНҚОРЛАР" БЕЛЛАШУВИ

Ёшларда ҳарбий-ватанпарварлик туйғусини, мардлик, қатъиятлилик фазилатларини янада мустаҳкамлаш, уларни миллий армиямиз сафларида хизматга тайёрлаш, Ватанимиз тарихини, аждодларимизнинг бой мероси ва анъаналарини ўрганишига кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган баҳсларда 9 жамоа қатор спорт турлари бўйича жисмоний тайёргарлиги, ҳарбий соҳага оид билим ва кўникмаларини синовдан ўтказди.

– Олий ўқув юртимизда биз, ёшларнинг замонавий таълим олишимиз, жисмоний чиниқишимиз учун барча шароит яратилган, – дейди "Қоплон" жамоаси аъзоси Дилшод Босимбеков. – Шу билан бирга, дарсдан ташқари бўш вақтимизни самарали ўтказишимиз учун турли спорт мусобақалари мунтазам ташкил этилмоқда. Мазкур мусобақада ҳарбий соҳага оид билим ва жисмоний тайёргарлигимизни намойиш этдик.

Университетнинг биология-тупроқшунослик факультетининг "Турон" жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди. Механика-математика факультетининг "Қоплон" ҳамда геология ва география факультетининг "Бургут" жамоалари кейинги ўринларга муносиб кўрилди.

Ж.ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири

КУЧЛИЛАР ҚАТОРИДА

Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси ташаббуси билан ўтган йилнинг халқаро йўналишидаги тўпурарлари рўйхати эълон қилинди.

Халқаро йўналишдаги тўпурарлар рўйхатида биринчи ўрин "Бавария" клуби аъзоси Роберт Левандовскига насиб этди. Польшалик ҳужумчи ўтган йили Германия бундес лигасида 11 та гол ҳамда Европа чемпионлар лигасида яна шунча гол уриб мутлақ голибга айланди.

БАА терма жамоаси ҳужумчиси Аҳмад Ҳалил эса тўпурарлар рўйхатида 2-ўринни эгаллади. Кучли учликка Криштиану Роналду якун ясади.

Эътиборлиси, "Пахтакор" жамоаси ҳамда миллий терма жамоамизнинг моҳир ҳужумчиси Игорь Сергеев ушбу рўйхатнинг 28-поғонасидан жой эгаллади. 2015 йил мобайнида Сергеев "Пахтакор"нинг Осиё чемпионлар лигаси турниридаги ўйинларида рақиблар дарвозасини 3 марта аниқ нишонга олган, миллий терма жамоамизнинг учрашувларида 6 та голга муаллифлик қилган.

Шунингдек, Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси расмий сайтида энг кучли лигалар рўйхати ҳам эълон қилинди. Унга кўра Испания чемпионати кетма-кет олтинчи марта энг кучли лига сифатида эътироф этилди. Италия ва Германия лигалари кучли учликдан ўрин эгаллашди. Ўзбекистон чемпионати эса қитъамизда Жанубий Корея, Саудия Арабистони, Япония, Хитой лигаларидан кейин 5-ўринга лойиқ кўрилди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Шаҳримиздаги Ёшлар ижодиёт саройида Ўзбекистон Бадиий академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги,"ЭКОСАН" халқаро жамоат фонди, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Республика Маънавият тарғибот маркази, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси, "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси билан ҳамкорликда Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий Рассомлик ва дизайн институти, ОАВ вакиллари иштирокида "Биз бунёдкор ёшлармиз – иллатларга қаршимиз" мавзудаги анъанавий кўрик-танловнинг якунларига бағишланган тадбир ўтказди.

Танловлар

ЁШЛАР — ИЛЛАТЛАРГА ҚАРШИ

Тадбирда сўзга чиққан Республика Маънавият тарғибот марказининг бўлим мудири Гуллола Осоқова, "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси бўлим бошлиғи Дилмурод Қирғизбоев, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар филиали директори Маҳбуба Маҳкамбоева, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг сектор мудири Умурбек Бектимиров, "ЭКОСАН" халқаро жамоат фонди бошқаруви раиси ўринбосари Комилжон Жўраев, Республика "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг бош мутахассиси Дилшод Жалоловлар танловга тақдим этилган асарлар бадиий жиҳатдан юксак даражада бажарилгани, реалистик мактаб анъаналарига жавоб бериши ва унда Ўзбекистоннинг миллий урф-одат ва қадриятлари, буюк сиймо ва замонамиз устозлари, Ватанимизнинг гўзал ва бетакрор табиати, табиатни асраш ва иқлимдаги ўзгаришлар (ернинг шўрланиши, Оролбўйи муаммолари), юртимизнинг мустақиллик йилларида эришган ютуқлари орқали жамиятда мавжуд иллатларга қарши курашнинг таъсирчан тарзда акс этганини таъкидлаб ўтдилар. Зеро, бугунги кунда нафақат юртимизда, балки бутун дунёда атроф-муҳит, экология, табиатни муҳофаза қилиш, Орол денгизи ва оролбўйи муаммолари, ОИТС, гиёҳвандлик, одам савдоси, терроризм, диний ақидапарастлик, ичкиликбозлик, кашандалик каби иллатлар аср вабосига айланиб бораётир, бу каби муаммолар боис кўплаб инсонлар азият чекаётир. Гиёҳвандлик ва ичкиликбозлик каби офатлардан турли ёвуз ниятли кучлар ўзларининг жирканч мақсадлари йўлида фойдаланишаётгани, улар "қора дори" савдосидан мўмай наф кўришаётгани ҳам сир эмас. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг бир қатор ташкилотлари билан биргаликда бундай қабиҳ иллатларга қарши тинимсиз курашиб келмоқда.

Мазкур анъанавий кўрик-танловнинг мақсади ҳам юқоридаги муаммолар ва уларнинг оқибатларини институт талабалари томонидан бадиий тасвирлаш орқали тадбир иштирокчилари қалби ва онгига чуқур сингдириш ва шу йўл билан жамиятда мавжуд иллатларни бартараф этишга ва бунга оммавий ахборот воситалари иштирокида ундашдан иборат эди. Кўрик-танлов якуний натижаларига кўра, Зулфия Собирова ўзининг "Огоҳ бўл!" ижод намунаси билан Гран-прини қўлга киритди ва "ЭКОСАН" халқаро жамоат фондининг совғини ҳамда махсус дипломига сазовар бўлди.

Биринчи ўринни Зарина Маъмурбоева "Улар йўқолиб кетиши мумкин" ва Зуҳра Давлатова "Глобал исиш" асарлари учун қўлга киритишди.

Кўргазмага ташриф буюрган давлат ва нодавлат, жамоат ташкилотлари вакилларининг фикр-мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда уни январь ойининг охиригача намойиш этиб боришга қарор қилинди. Ёшлар тарбиясида бу мавзунинг долзарблиги эътироф этилиб, "ЭКОСАН" халқаро жамоат фонди, Тошкент Давлат педагогика университети, Тошкент Педиатрия-тиббиёт институти, Республика "Маҳалла", "Нуроний" фондлари билан ҳамкорликда Миллий Рассомлик ва дизайн институти ташкилотчилигида мазкур кўргазма материаллари билан Яккасарой туман маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи, яна бир қатор ўқув муассасаларида, Юнусобод туманидаги "Оқибат" маҳалласида ёшлар ҳамда жойлардан жалб этиладиган ёши улуғ устозлар, шифокорлар иштирокида тарбиявий-маърифий давра суҳбатларини ташкиллаштириш режалаштирилди. Ушбу учрашувларда "ЭКОСАН" фондининг экологияга оид чоп эттирган адабиётлари ва плакатлари асосида "Экология бурчак"ларини ташкил этиш ҳам кўзда тутилган.

Даврон НУРМАТОВ

"101"

БЕПАРВО БЎЛМАНГ!

Кундалик турмушда оловнинг ўрни беқиёс, бироқ ундан фойдаланишнинг ҳам ўз йўли, қонун-қоидаси борлигини унутмаслик лозим.

Қоидаларга доимо амал қилсак ҳаётимиз бехавотир, тинч, осуда кечади. Биз шу оддий, аммо аҳамияти катта бўлган йўл-йўриқлардан доимо огоҳ бўлмоғимиз даркор. Зеро, олов билан ҳамнафас ҳаётимиз биздан доим ҳушёр бўлишни талаб этади. Агар биз бепарволикдан халос бўлсак, ёнғинларнинг олдини олган бўламиз.

Баъзи ҳолатларда ёнғин чиқишига ота-оналарнинг ўзлари сабабчи бўладилар. Болаларни назоратсиз қолдириш натижасида ёнғинлар келиб чиқиши тез-тез содир бўлиб туради.

Шундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш, турар жой биноларининг ёнғинга қарши ҳолатини мустаҳкамлаш ишларига маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари ҳам эътибор қаратишлари катта аҳамиятга эга. Ҳар бир фуқаро ёнғиннинг олдини олишга эътибор берса ўз уйимиз, мол-мулкимиз ва фарзандларимизнинг ҳаётини хавф-хатардан сақлаган бўлардик.

Отабек РАҲМАТУЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ 28-ҲЁХҚ смена бошлиғи, капитан

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Барча турдаги корхона ва ташкилотлар диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ишлар бошқармасининг қурилаётган бино ва иншоотлар бирлашган дирекцияси

Президент девонининг бинолар мажмуасини реконструкция килиш (1-сонли корпусдаги 5 ва 6 қаватларнинг кондиционер тизимини алмаштириш)
объекти бўйича танлов савдоларини (тендер)

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи: 927 995 322 сўм ҚҚС билан; 738 754 829 сўм ҚҚС сиз.
Қурилиш муддати 11 ой.
Лойиҳани молиялаштириш: Давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдолари ташкилотчиси: Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент шаҳар ҳудудий консалтинг маркази.

Танлов савдоларига фақат Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестирига киритилган пудратчи ташкилотлар иштирок этишларига рухсат этилади.

Даъвогар сифатида тендерда иштирок этмоқчи бўлган корхоналар ва ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб бериши зарур: айланма маблағлари танлов савдоси предметининг 20 % дан кам бўлмаслиги ёки кўрсатилган маблағларни тақдим этиш бўйича банк кафолати, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш базалари, меҳнат ресурслари ва мутахассисларига, танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш бўйича иш тажрибаси, шартнома тузиш бўйича фуқаролик ҳуқуқдорлиги ва ваколатларига эга бўлиш.

Танлов савдосида мамлакатимиз ва хорижлик қурилиш ташкилотлари қатнашган ҳолларда танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нархга оид имтиёзлар кўзда тутилган: улар бўйича импорт қилувчилар қонунчиликга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод қилинадиган тақдирда танлов иштирокчиларининг танлов таклифлари ишлар (хизматларни) импорт етказиб беришда кўрсатилган солиқ суммасига қўшимча ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

Савдоларда иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун савдо ташкилотчиси — Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент шаҳар ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш зарур: Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй. Тел: 244-12-17, 244-07-65. Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 200 000 (икки юз минг) сўм. Савдо ташкилотчисига оферталарни тақдим этишнинг сўнгги муддати оферталарни очиш куни ва соатигача.

Оферталарни очиш қуйидаги манзил бўйича амалга оширилади: Тошкент ш., Амир Темур шоҳ кўчаси (собиқ Мовароуннахр кўчаси), 3, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, эълон чоп этилгандан сўнг 30 кундан кам бўлмаган муддатда.

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Уста Ширин маҳалласи, Ифтихор 2-тор кўчаси, 23-уйда яшовчи Ҳидоятова Зулфия Абдупаттаховна номига берилган уй дафтари ва кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Уста Ширин маҳалласи, Ифтихор 2-тор кўчаси, 25-уйда яшовчи Ҳидаятова Холида Иноятовна номига берилган уй дафтари ва кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **20 январь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 0-2 даража совуқ, кундузи — 13-15 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **20 январда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-7277

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 155

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 12259 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди: 14.30

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

1 2 3 4 5